

Самарқанд Давлат университети  
Ситки Кочман номидаги Муғла университети  
(Туркия Республикаси)

**«МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ, МАҲМУД КОШҒАРИЙ ВА АЛИШЕР  
НАВОИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК МЕРОСИ ҲАМДА УНИНГ ТУРКИЙ  
ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ»**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**№ 1 АХБОРОТ ХАТИ**

**Хурматли касбдошлар!**

Сизларни «Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийнинг лингвистик мероси ҳамда унинг туркий тилларни ўрганишдаги ўрни» мазусидаги Халқаро илмий конференцияда иштирок этишга таклиф этамиз. Илмий анжуман 2018 йил 8-11 ноябрь кунлари СамДУ Филология факультети базасида бўлиб ўтади.

**Конференцияда ушбу масалаларнинг муҳокама этилиши кутилмоқда:**

1. Буюк туркий мутафаккирлар Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий лингвистик меросининг моҳияти.
2. Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий лингвистик таълимотининг туркий ҳамда Шарқ тилларини ўрганишдаги ўрни ва роли.
3. Ўрта аср Шарқ тилшунос-олимларининг илмий-тадқиқот методологияси ва текшириш усуллари
4. Қиёсий-тарихий туркий тилшунослик ва олтойшунослик масалалари.
5. Шўролардан кейинги Марказий Осиёдаги миллий тилларнинг тарихи ва бугунги аҳволи масалалари.
6. Марказий Осиё халқларининг лисоний ва этномаданий алоқалари.
7. Марказий Осиё туркий тиллари диалектологиясининг долзарб масалалари: фонетика, фонология, морфология, лексикология, лексикография ва синтаксис (*семинар*).
8. Марказий Осиё туркий тилларининг тарихий диалектологияси
9. Марказий Осиё туркий тиллари диалектологияси учун транскрипцион ва транслитерацион ёзувни шакллантириш масалалари (*семинар*).
10. Диалектология ва этнолингвистика
11. Диалектология ва ономастика
12. Диалектология ва ёндош фанлар

## **Халқаро конференциянинг иш тартиби**

7 ноябрь – конференция қатнашчиларини кутиб олиш;  
8-11 ноябрь – конференциянинг иш кунлари;  
12 ноябрь – конференция иштирокчиларини кузатиб қўйиш.

Конференциянинг ишчи тиллари: ўзбек, турк, рус, инглиз.

Конференциянинг иш тартиби: ялпи мажлис, шўъбалар ва семинар мажлислари.

Халқаро конференция материаллари унинг очилишигача эълон қилинади.

Конференцияда иштирок этиш учун **2018 йил 20 сентябргача** конференция Ташкилий Қўмитасига қуйидаги материаллар тақдим этилиши керак (электрон почта орқали ёки шахсан):

- 1) Қатнашчининг аризаси (таклиф этилаётган шаклда);
- 2) Маърузанинг мақола шаклидаги шаклининг электрон версияси (рус ва инглиз тилидаги аннотациялари ва калит сўзлар билан (5 та сўздан кам бўлмасин));
- 3) Конференция иштирокчиси бадалининг тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси

Кўрсатилган муддатдан кейин тақдим этилган ёки талаб даражасида расмийлаштирилмаган материаллар кўриб чиқилмайди ва эгаларига қайтарилмайди. Ташкилий Қўмита конференциянинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда маърузаларни танлаб олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Конференцияда иштирок этиш учун ариза ва материаллар 2018 йил 20 сентябргача қуйидаги адресда қабул қилинади: 140104, Университет Бульвари, 15, Самарқанд Давлат университети, Филология факультети, ўзбек тилшунослиги кафедраси.

E-mail: [shavkatmahmadyev1975@gmail.com](mailto:shavkatmahmadyev1975@gmail.com)

Тел./факс: +998 66 2391140

Телефон для справок:

+998 97 9291232– Элтазаров Жўлибой Данабаевич, Филология факультети декани;

+998 91 551 16 23– Махмадиев Шавкат Суюнқулович, ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти.

### **Конференцияда иштирок этишнинг молиявий шартлари:**

**Конференция қатнашчиларининг барча харажатлари ўзлари фаолият кўрсатаётган ОТМ тарафидан қопланади.**

200.000 сўм миқдоридagi (чет эллик қатнашчилар учун - 50 АҚШ долл.) ташкилий бадал 2018 йил 20 сентябргача қабул қилинади.

Конференция қатнашчиларига бериладиган дастур, бейжик, 1 нусха конференция материаллари китоби ва бошқа тегишли ашёлар шу бадал ичида.

Ташкилий бадал почта орқали ёки пластик картадан пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адрес ва шахсга юборилади: **140104, Университет бульвари, 15, Самарқанд Давлат университети, Филология факультети, ўзбек тилшунослиги кафедраси. Маҳмадиев Шавкат Суюнқулович.** Тўлов амалга оширилгач, уни исботловчи ҳужжатнинг ксерокопияси қуйидаги адресга жўнатилади: [shavkatmahmadyev1975@gmail.com](mailto:shavkatmahmadyev1975@gmail.com)

#### **Материалларни ёзиш ва расмийлаштириш масалалари**

Формат – Microsoft Word, Times New Roman шрифт, 14 кегль, интервал 1,5, энига текисланади, барча хошиялар 2 см., абзацлар 1,25, сўз кўчириш йўқ. Адабиётлар матн ичида келганда катта қавс билан берилади [1: 182], мақола охиридаги адабиётлар рўйхати халқаро стандартларга уйғун ҳолда шакллантирилади.

Мақола ҳажми 5 бетгача.

#### **Материалнинг тузилиши**

1. Муаллиф(лар) фамилияси ва инициаллари ўнг бурчакда қора ҳарфлар билан, ундан 1.0 интервал пастда ОТМ ва шаҳар номи ёзилади.

2. 1.0 интервал оралиқ ва бош ҳарфлар билан мақола номи ёзилади, ундан пастда эса 1.5 см абзац билан матн ёзилади (14 шрифт, очик рангда) .

Ушбу ахборот хатини тегишли ОТМ, факультет ва кафедраларда тарқатиш ва тилшунос-мутахассисларга етказишингизни сўраймиз.

*Конференция Ташкилий Қўмитаси*

Мақолани расмийлаштириш намунаси

**А.Б.Пардаев**  
**Самарқанд Давлат университети, Самарқанд**

**ЖАНУБИЙ ХОРАЗМ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ  
ТАСНИФИ ҲАҚИДА**

Рус тилидаги аннотация

Инглиз тилидаги аннотация

Мақола матни

**«Махмуд Замахшарий, Махмуд Кошғарий ва Алишер Навоийнинг  
лингвистик мероси ҳамда унинг туркий тилларни ўрганишдаги ўрни»  
мавзусидаги Халқаро илмий конференция қатнашчисининг  
ҲИСОБ ВАРАҚАСИ**

(Самарқанд, 2018 йил, 8-11 ноябрь)

ФИО (*тўла ёзилади*) \_\_\_\_\_

Шаҳар \_\_\_\_\_

ОТМ ёки ташкилот номи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Илмий даража, унвон ва лавозими \_\_\_\_\_

Маърузанинг номи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Адрес ва паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Телефон, факс (мамлакат ва шаҳар кодлари билан) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

E-mail \_\_\_\_\_

Меҳмонхона буюртма қилиш \_\_\_\_\_

Қўшимча маълумотлар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Йил, ой , кун \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_